

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САЙДАҚУЛОВА ДИЛРАБО ВАЛИДЖОНОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ГЕНИТАЛ ПРОЛАПСНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Сайдакулова Дилрабо Валиджоновна

Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал пролапснинг профилактикаси
ва даволашни такомиллаштириш.....

Сайдакулова Дилрабо Валиджоновна

Совершенствование профилактики и лечения пролапса гениталий у
женщин репродуктивного возраста.....

Saydaqulova Dilrabo Validjonovna

Improving the prevention and treatment of genital prolapse in women of
reproductive age.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЕТ АКАДЕМИЯСИ**

САЙДАҚУЛОВА ДИЛРАБО ВАЛИДЖОНОВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ГЕНИТАЛ ПРОЛАПСНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib818 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юлдашева Дилчехра Юсуфхановна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбанов Баходир Бобирович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда аёллар ички жинсий аъзолари етишмовчилиги ва пролапси ўсиб бориш тенденциясига эга яширин эпидемияга айланмоқда. Бачадон ва кин пролапси билан касалланиш такрорий туғруқларда 12-30 % ни, хомиладор бўлмаган аёлларда эса 2 % ни ташкил қилади. Жаҳон статистик маълумотларига кўра, жинсий аъзолар пролапсининг ҳолатлари хилма-хил бўлиб, мультифакториал хусусиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, "... репродуктив саломатликни сақлаш аёл ҳаётининг ҳар бир босқичида репродуктив фаолият, тизимлар ва жараёнларни ўз ичига олади"¹.

Жаҳонда ҳозирги кунда репродуктив саломатликни сақлашга йўналтирилган акушерлик ва гинекология соҳасидаги изланишларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Репродуктив тизим касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикаси шулар жумласидан. Эпидемиологик изланишларга кўра, дунё бўйича 11,4 % аёл тос аъзолари пролапси (ТАП) ни жарроҳлик усулида даволаш хавфига эга, яъни ҳар 11 нафар аёлдан биттаси ҳаёти давомида ТАП билан боғлиқ жарроҳлик амалиётини ўтказди. Ҳаёт давомийлиги узайиши билан ТАП лар сони ортиб боради. Бугунги кунда гинекологик касалликлар тизимида ТАП 28 % ни эгаллайди ва гинекологик жарроҳликларнинг 15 % и шу муаммо сабабли амалга оширилади.

Мамлакатимизда ҳар бешинчи бемор гинеколог қабулида ушбу патология билан боғлиқ шикоятларни билдиради. Аёлларда ТАП нинг олдини олиш ишлари олиб борилса-да, ҳозирги кунда аёлларнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир қиладиган касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллаб, долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, ТАП бўлган аёлларда тос туби мушакларини коррекция қилиш усуллариини такомиллаштиришни патогенетик асослашга талаб ортади. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, репродуктив ёшдаги касалликларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолига махсус тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш бўйича турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда, жумладан, "...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллариини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш..."² каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши ТАП билан

¹ World Health Organization, 2017, https://www.who.int/topics/reproductive_health/ru/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги № 5590 «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимини тубдан яхшилашнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»

касалланган аёлларни даволаш ва ташхислашда тиббий хизматларни яхшилаш, замонавий технологияларни қўллаш орқали касалликнинг асоратларини камайтириш имконини бермоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон ҳамда 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ҳамда фанини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4310-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4847-сон ҳамда 2020 йил 12 ноябрдаги “Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари томонидан ТАП нинг ривожланишига олиб келувчи асосий хавф омиллари ўрганилган бўлиб, улар қуйидагилар: кўп ҳомиладорлик ва мураккаб туғруқ, хусусан, перинеал травма, қорин бўшлиғи босимининг ошишига олиб келадиган тос аъзоларининг боғламли аппарати бузилиши, гипоэстрогенизм, тос бўшлиғининг иннервацияси ва қон айланиши бузилиши, оралик тўқималарида биокимёвий ўзгаришлар ва овқатланиш тартиби бузилиши. Ушбу патология учун реконструктив пластик жарроҳлик, асосан, ТАП нинг оғир асоратланган шаклларида амалга оширилади. Бироқ, енгил ва ўртача оғирликдаги пролапс ҳолатлари ҳам эътиборга лойиқдир. Бу ҳолатларда тўғри ичак ва пешоб пуфаги(қовуқ)нинг фаолияти сезиларли даражада бузилмайди, ҳаёт сифати ва жинсий дисфункциянинг пасайиши беморлар учун муҳимдир (М. Доае, М. Moradi-Lakeh, 2014). Жинсий аъзолар пролапсини даволаш нафақат тос аъзолари ўртасидаги анатомик муносабатларни тиклашга, ҳаёт сифатини яхшилашга, балки ушбу беморларда жинсий фаолликни оширишга имкон беради. Жинсий органлар пролапси бўйича жарроҳлик амалиёти қилинган аёллар соғлиғини сақлашнинг энг муҳим омили репродуктив муаммони ҳал қилишдир. Фикримизча, бу генитал пластик жарроҳлик учун мутлақ кўрсаткич ҳисобланади (Kranz J., 2021).

МДХ давлатлари тадқиқотчилари маълумотларига кўра, қин жарроҳлигида синтетик имплантлардан фойдаланиш нафақат ижобий натижаларга олиб келади, балки янги турдаги асоратларнинг пайдо бўлиши билан ҳам боғлиқ (Абаева Х.А., 2017, Гаврилова Т.В., 2021, Снурницына О.В., 2020). Тўр доимий имплант бўлгани учун, ҳар қандай такрорий жарроҳлик амалиётларни сезиларли даражада мураккаблаштиради ва хавфли қилади. Асоратларни олдини олиш ва частотасини камайтириш учун оғирлик

даражасига қараб таглик стимуляторлардан фойдаланиб, интим тренажёр машқлар ёки жарроҳлик даволаш усулини танлашни фарқлаш керак. Касалликнинг оғирлиги, асоратлар аломатларини камайтириш ва хавф омилларининг олдини олишда тренажёр гимнастикаларнинг амалий ахамиятини ўрганиш муҳим.

Мамлакатимизда ТАП нинг ривожланиши ва унга олиб келувчи асосий хавф омиллари ўрганишга бир қанча тадқиқотлар ўтказилган, жумладан, Курбанов Б.Б. (2018), Насимова Н. (2022), Ўринова Р.Ш. (2023). Мавжуд вазият яхшиланган хусусиятларга эга бўлган янгиликни, шунингдек, минимал инвазив усулларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан, ТАП ни тузатиш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Беморларнинг ҳаёт сифатига камроқ таъсир кўрсатадиган ва бир хил самарадорлиги билан камроқ асоратларни келтириб чиқарадиган янги усулларни излашни талаб қилади.

Ушбу ҳолатлар, афсуски, бундай беморларни даволаш ҳали мукамал эмаслигидан далолат беради. Юқорида айтилганлар ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг № 012300281 рақамли илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Аёллар ва болаларнинг тиббий ва ижтимоий саломатлиги муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларини ҳал қилиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқот мақсади репродуктив ёшдаги аёлларда генитал аъзолар пролапси ривожланишига таъсир этувчи клиник, функционал ва коллаген генлар полиморфизми омилларини ўрганиш, қин тренажерлари билан даволашнинг самарадорлигини баҳолаш ва профилактика ҳамда даволаш стратегиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: Репродуктив ёшдаги аёллар орасида генитал аъзолар пролапсининг тарқалиш ҳолатини, клиник ва анамнестик хусусиятларини таҳлил қилиш.

Генитал пролапсни эрта аниқлаш мақсадида махсус клиник сўровномалар (PFIQ-7, PFDI-20 ва бошқалар)нинг аҳамиятини баҳолаш.

COL1A1 (rs1107946) ва COL4A1 (rs605143) генларининг полиморф вариантларининг учрашини ва репродуктив ёшдаги аёлларда генитал пролапсга мойилликни аниқлаш мақсадида касаллик хавфи генетик маркерларини ишлаб чиқиш.

Умумлаштирилган маълумотлар асосида генитал пролапсни олдини олиш ва даволаш бўйича клиник амалиётга мўлжалланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тос аъзолари пролапси бўлган 70 нафар ва соматик патологиялари ва тос суяги мушакларининг етишмовчилиги бўлмаган ихтиёрий текширувдан ўтган 50 нафар аёл проспектив равишда кузатилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ТАП ни объектив гинекологик текшириш усуллари, УТТ, генетик текшириш COL1A1 (rs1107946) ва COL4A1 (rs605143) генлари полиморфизми баҳоланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биохимик, инструментал, генетик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

клиник ва анамнестик маълумотларни таҳлил қилиш асосида аёлларда тос аъзолари пролапси (ТАП)нинг шаклланишидаги муҳим тиббий хавф омиллари таъсирини, жумладан, ҳайз функциясининг бузилиши – 29 (19,4 %), 4-6 тагача ҳомиладорлик – 65 (54,2 %), 3 ёки ундан ортиқ туғруқ – 81 (67,5 %), абортлар – 75 (62,5 %), семизликнинг II-III даражаси – 84 (70 %), эпизиотомия ва перинеорафия эса 64 (53,3 %) нафар аёлда ҳамда ижтимоий хавф омиллари таъсирини 27 дан 35 ёшгача – 69 (57,5 %), оғир жисмоний фаолият – 53 (64 %) нафар аёлда исботланган;

PFID-20 (самараси 1-гуруҳда 1,7 маротабагача, 2-гуруҳда 1,3 маротабагача) ва PFIQ-7 (самараси 1-гуруҳда 3,2 маротабагача, 2-гуруҳда 2,4 маротабагача) шкаласи ёрдамида репродуктив ёшдаги ТАП бўлган аёлларнинг ҳаёт сифати ва субъектив шикоятларини баҳолашнинг прогностик аҳамияти исботланган;

аёлларда про- α 1(I) деб аталувчи I тип коллаген компоненти COL1A1 ген ($\chi^2=1,7$; $p=0,0006$; OR=4,0; 95% CI: 1,764–9,322) метаболизмида иштирок этадиган ферментларнинг генетик полиморфизмининг роли ва тренажерларни қўллаб, ишлаб чиқилган профилактик тадбирларнинг самарадорлиги исботланган;

аёлларда ТАП босқичлари кечиши, оғирлик даражалари ривожланиши ҳамда бириктирувчи тўқима детерменант генлари (COL1A1 rs1107946 гени ва COL1A1 rs605143 гени) ўртасидиги корреляция исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тос аъзолари пролапси мавжуд бўлган аёлларда бачадон боғлам аппарати ва тос туби мушакларининг дисфункцияси ривожланиш хавфи мезонлари илмий асосланган ҳамда профилактик чора-тадбирлар тизими асосланган.

Тос аъзолари пролапси бўлган аёлларда клиник-анамнестик ва молекуляр-генетик маълумотлар, шунингдек, PFIQ-7 (Pelvic Floor Impact Questionnaire-7) ва PEDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory-20) сўровномалари асосида тренажёрларда бажариладиган машқларнинг самарадорлиги асосланган.

Беморларга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасининг самарадорлиги илмий жиҳатдан асосланган бўлиб, у тос туби тренажёрлари ёрдамида интим машқларни, психометрик қўллаб-қувватлаш ва касалликларни коррекция қилиш усуллари ўз ичига олган ҳамда бу чора-тадбирлар аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириши ва касаллик рецидивларининг олдини олиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, генетик ва статистик

усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, текширилган клиник материалнинг етарлилиги, тадқиқотда материалларга статистик усуллар билан ишлов берилган. Олинган маълумотлар хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланган. Хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти пролапс тез-тез учрашининг камайишига оид лаборатория маълумотларини олиш билан белгиланади. Жинсий аъзолар пролапси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг ҳаёт сифатини узок муддатли динамик баҳолаш психометрик усуллар асосида амалга оширилди. Жарроҳлик амалиётларининг анатомик ва функционал натижаларини объективлаштириш ва индивидуаллаштириш мақсадида PFIQ-7 (Pelvic Floor Impact Questionnaire-7) ва PEDI-20 (Pelvic Floor Distress Inventory-20) сўровномаларидан фойдаланилди. Шу билан бирга, ушбу тадқиқот интим машқлар учун стимуляторлардан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган даволаш усулининг самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ТАП (тос аъзолари пролапси)нинг олдини олиш ва даволаш жараёнида клиник, инструментал ва сўровнома асосидаги баҳолаш методлари интеграция қилинди. Жарроҳлик амалиётигача бўлган тайёргарлик босқичида беморнинг ҳаёт сифатини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу беморнинг ҳолатини аниқ таҳлил қилиш, функционал асоратлар хавфини башорат қилиш ва уларни олдини олиш имконини беради. Пролапснинг бошланғич босқичларида жарроҳлик усулларисиз тос туби мушакларининг тургорлигини тиклаш ва стимуляторлар ёрдамида мақсадли машқлар ўтказиш орқали касалликни коррекция қилиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, такрорий жарроҳлик аралашувлар ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар хавфини камайтириш имконияти изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал пролапснинг профилактикаси ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: клиник ва анамнестик маълумотларни таҳлил қилиш асосида аёлларда ТАП нинг шаклланишидаги муҳим тиббий хавф омиллари таъсирини, жумладан, ҳайз функциясининг бузилиши – 29 (19,4 %), 4-6 тагача ҳомиладорлик – 65 (54,2 %), 3 ёки ундан ортик туғруқ – 81 (67,5 %), абортлар – 75 (62,5 %), семизликнинг II-III даражаси – 84 (70 %), эпизиотомия ва перинеорафия эса 64 (53,3 %) нафар аёлда ҳамда ижтимоий хавф омиллари таъсирини 27 дан 35 ёшгача – 69 (57,5 %), оғир жисмоний фаолият – 53 (64 %) нафар аёлда яхшилаш бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 03-23/10-т-сон хулосаси билан тасдиқланган “Jinsiy a’zolar prolapsi: muammoning hozirgi holati” номли услубий тавсияномада акс эттирилган ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2023 йил 21 сентябрдаги 42-сон буйруғи ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 27 сентябрдаги 288-А/Ф-сон буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган

(Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 08/72-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** бирламчи тиббий ёрдам даражасида ТАП билан репродуктив ёшдаги аёлларни бошқариш бўйича таклиф этилган алгоритм, касалликни эрта аниқлаш ва оқибатларини башорат қилиш сифатини яхшилади, вазиятли хавф ва шахсий хавф даражасини аниқлаш қулай ва самарали диагностика усули бўлиб хизмат қилади ва даволашнинг самарадорлик кўрсаткичи мақсадида қўлланилади ва тўғри профилактика йўналишини танлаш вақтини қисқартиришга, танланган даволаш йўналишининг самарадорлиги хисобига бемор харажатларини камайтиришга имкон беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** стимуляторлар ёрдамида тренажёр машқлар билан шуғулланиш шифохонага ётқизишдан воз кечиш ва ҳар бир беморнинг 10 кунлик жарроҳлик амалиётини ўтказиш ва шифохонага ётқизилиши учун ўртача 8 601 000 сўмгача маблағни тежаш имконини берган, йиллик иқтисодий кўрсаткич 40 нафар бемор учун эса 344 040 000 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** бирламчи тиббий ёрдам даражасида пролапс гениталий бўлган аёлларда стимуляторлар билан тренажёр шуғулланиш бўйича таклиф этилган алгоритм, касалликни эрта аниқлаш ва оқибатларини башорат қилиш сифатини яхшилаган, шунингдек, 1 нафар репродуктив ёшдаги аёлларни 10 кунлик шифохонада жарроҳлик амалиёти ўтказиш ва даволаниш вақти учун 8 601 000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: PFID-20 (самараси 1-гурухда 1,7 маротабагача, 2-гурухда 1,3 маротабагача) ва PFIQ-7 (самараси 1-гурухда 3,2 маротабагача, 2-гурухда 2,4 маротабагача) шкаласи ёрдамида репродуктив ёшдаги ТАП бўлган аёлларнинг ҳаёт сифати ва субъектив шикоятларини баҳолашнинг прогностик аҳамияти бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 03-23/10-сон хулосаси билан тасдиқланган “Jinsiy a’zolar prolapsi: muammoning hozirgi holati” номли услубий тавсияномада акс эттирилган ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 2023 йил 21 сентябрдаги 42-сон буйруғи ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 27 сентябрдаги 288-А/Ф-сон буйруғи билан клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 08/72-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ТАП такрорланиши камайганлиги, клиник натижаларнинг яхшиланиши, қин касалликлари ва улар билан боғлиқ асоратлар даражасининг пасайиши имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** репродуктив ёшдаги аёлларни ТАП билан бирламчи тиббий ёрдам даражасида ташхис қўйиш ва бошқариш касалликни эрта аниқлаш ва унинг натижаларини башорат қилиш сифатини оширишга ёрдам берган, таглик стимуляторларидан фойдаланиш касалхонага ётқизишдаги ўртача харажатни, бир нафар аёл учун 1 кунлик бюджет маблағларидан 415 000 сўмгача тежаб қолган ва 40 нафар беморни даволашда йиллик иқтисодий самараси 16 600 000 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** бирламчи тиббий ёрдам даражасида жинсий аъзолар пролапси бўлган аёлларда стимулятор ёрдамида

машқлар алгоритми касалликнинг оқибатларини эрта аниқлаш ва башорат қилиш сифатини оширишга ёрдам берган ва 10 кунлик стационар даволаниш учун 8 601 000 сўм тежаш ва даволаниш вақтини қисқартириш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: аёлларда про- $\alpha 1(I)$ деб аталувчи I тип коллаген компоненти COL1A1 ген ($\chi^2=1,7$; $p=0,0006$; OR=4,0; 95 % CI: 1,764–9,322) метаболизмида иштирок этадиган ферментларнинг генетик полиморфизмининг роли ва тренажерларни қўллаб, ишлаб чиқилган профилактик тадбирларнинг самарадорлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 03-23/11-t-сон хулосаси билан тасдиқланган “Gential prolapsning rivojlanish xavfini o‘rganish bo‘yicha genetik tadqiqotlar” номли услубий тавсияномада ифодаланган. Тошкент шаҳар 2-сон туғруқ комплексининг 2023 йил 28 сентябрдаги 37-сон буйруғи, Наманган вилояти Поп туман тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 29 сентябрдаги 435-сон буйруғи билан клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 08/72-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** даволанишдан сўнг ушбу кўрсаткичларнинг 2,5 дан 3,2 мартагача сезиларли даражада пасайиши имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** репродуктив ёшдаги аёлларни ТАП билан бирламчи тиббий ёрдам даражасида ташхис қўйиш ва бошқариш касалликни эрта аниқлаш ва унинг натижаларини башорат қилиш сифатини оширишга қаратилган, таглик тренажёрларидан фойдаланиш касалхонага ётқизишни олдини олган, 40 нафар беморни даволашда ҳар бир беморнинг 10 кунлик жарроҳлик амалиёти ва касалхонага ётқизилиши учун сарфланадиган харажатни йиллик иқтисодий самараси 344 040 000 ташкил этган. **Хулоса:** бирламчи тиббий ёрдам даражасида жинсий аъзолар пролапси бўлган аёлларда таглик стимуляторлари ёрдамида тавсия этилган машқлар алгоритми касалликнинг оқибатларини эрта аниқлаш ва башорат қилиш сифатини оширишган, репродуктив ёшдаги бир аёл учун бюджет маблағларидан 8601000 сўм тежаш ва даволаниш вақтини қисқартириш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: аёлларда ТАП босқичлари кечиши, оғирлик даражалари ривожланиши ҳамда бириктирувчи тўқима детерменант генлари (COL1A1 rs1107946 гени ва COL1A1 rs605143 гени) ўртасидиги корреляция бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 йил 29 майдаги 03-23/11-t-сон хулосаси билан тасдиқланган “Gential prolapsning rivojlanish xavfini o‘rganish bo‘yicha genetik tadqiqotlar” номли услубий тавсияномада ифодаланган. Тошкент шаҳар 2-сон туғруқ комплексининг 2023 йил 28 сентябрдаги 37-сон буйруғи, Наманган вилояти Поп туман тиббиёт бирлашмасининг 2023 йил 29 сентябрдаги 435-сон буйруғи билан клиник амалиётига татбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 08/72-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** таглик стимуляторлари ёрдамида тренажёр машқларни олиб боришга

қаратилган, ҳаёт сифатини яхшилаш ва генитал пролапснинг олдини олиш учун психометрик ёрдам ва касалликни профилактикасини имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** репродуктив ёшдаги аёлларни ТАП билан бирламчи тиббий ёрдам даражасида ташхис қўйиш ва бошқариш касалликни эрта аниқлаш ва унинг натижаларини башорат қилиш сифатини оширишга ёрдам берган ва таглик стимуляторларидан фойдаланиш касалхонага ётқизишни олдини олган ва ҳар бир беморнинг 10 кунлик жарроҳлик амалиёти ва касалхонага ётқизилиши учун ўртача 8 601 000 сўмгача тежаб, 40 нафар беморни даволашда йиллик иқтисодий самараси 344 040 000 сўмни ташкил этган. **Хулоса:** пролапсанинг дастлабки босқичларида жинсий аъзолар пролапси бўлган аёлларда стимуляторли тренажёрлар ёрдамида тавсия этилган машқлар алгоритми тос мушакларини жарроҳликсиз барқарорлаштириши, тос мушаклари стимуляторлари билан машқлар бажариши, касалликни тузатиши, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши, такрорий жарроҳлик ва жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар хавфини камайтириши шунингдек, 10 кунлик стационар даволаниш учун 8 601 000 сўм тежаш ва даволаниш вақтини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш эълон қилинган, шулардан 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 146 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациясининг **“Репродуктив ёшдаги аёлларда генитал пролапснинг профилактикаси ва даволашни такомиллаштириш. (Адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобда ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича мавжуд адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, ҳал этилмаган ва аниқлаштиришни талаб қиладиган ушбу муаммонинг жиҳатлари тизимлаштирилган, тос аъзоларининг пролапсининг этиологик ва эпидемиологик тасвири, ташхис ва тос орган пролапсини башорат қилишнинг асосий тамойиллари келтирилган.

“Тадқиқот материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобда материаллар ва тадқиқот усуллари батафсил тавсифланган. Тадқиқот мақсадига эришиш учун ишлаб чиқилган клиник-лаборатория меъзонлари асосида тадқиқот 2019-2021 йиллар давомида ТТА клиникаси базасида ва Тошкент шаҳар CITY MED CLINIC ва Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Молекуляр генетика лабораториясида генетик текширув ўтказилган.

Ташхис қуйидагилар асосида ўрнатилади: акушерлик ва гинекологик тарихи, клиник кўринишлар, сўровнома ва генетик кўрсаткичлар, ультратовуш текшируви.

Аёлларда молекуляр генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт маркази лабораториясида ўтказилди.

Генитал пролапсни ташхислашда POP-Q (Pelvic Organ Prolapse Quantification System) ва Baden-Walker классификацияси қўлланилган. Иккала тизимда ҳам ўлчаш кучланиш (Валсалва тести) да амалга оширилади, пролапснинг дистал қисмининг қизлик пардасига нисбатан ҳолати аниқланган.

1-босқич – оралиқ бўшашганда бачадон бўйни кўринади, қин ичидаги пролапс;

2-босқич – жинсий ёриқдан бачадон бўйин кўриниши, бачадон туби чанокда;

3-босқич – (тотал пролапс), бачадон жинсий тирқишдан ташқарида жойлашган.

Энг кенг тарқалган таснифлаш POP-Q, халқаро сийдикни сақлаш жамияти (International Continence Society, ICS.) томонидан урогинекологнинг

кундалик амалиётида фойдаланиш учун тавсия этилган. Бу тасниф сагиттал текисликда 9 та параметрни ўлчаш йўли билан қин деворларининг туширилишини миқдорий жиҳатдан аниқлашга имкон берди.

POP-Q тизимига мувофиқ, босқичлар қин деворнинг энг дистал жойлашган қисми бўйлаб амалга оширилади (ТАП нинг доминант компоненти):

1-босқич – дистал компонентанинг гименал ҳалқаси сатҳидан 1 см дан ортиқ тушириш;

2-босқич – гименал ҳалқа сатҳидан 1 см дан юқори ва 1 см дан кам бўлмаган масофада тушириш;

3-босқич – именал ҳалқа сатҳидан 1 см дан паст масофага тушириш, лекин қиннинг умумий узунлигидан 2 см дан кам;

4-босқич – қиннинг тўлиқ эверсия (эверсион), \geq ТВЛ-2 масофадаги пролапснинг етакчи нуқтаси.

ТАП аёл ҳаётига хавф туғдирмайдиган касалликларни назарда тутганлиги сабабли, мутахассислар томонидан ўрганишнинг асосий мавзуси унинг белгиларининг ҳаёт сифатига таъсири ҳисобланади. Ҳаёт сифатини аниқлашнинг асосий усули ихтисослашган сўровномалар ёрдамида стандартлаштирилган сўровдир. Кенг тарқалган анкета, тос қават бузилиши инвентаризацияси (Pelvic Floor Distress Inventory) 46 та (тўлиқ шакли) ёки 20 та саволдан (қисқа шакли) иборат ва 3 қисмга бўлинади: Тос орган пролапси келиб чиққан бузилишларни рўйхатга олиш сўровномаси (Pelvic organ prolapse distress inventory 6, POPDI-6), ГП оқибатида белгиларни бузилишини субъектив баҳолаш учун, пастки ошқозон-ичак тракти касалликларини рўйхатга олиш сўровномаси (Colorectal-Anal Distress Inventory 8, CARDI-8) ва сийдик тута олмасликни бузилишларини рўйхатга олиш сўровномаси (Urinary Distress Inventory 6, UDI-6). Тест The Pelvic Floor Distress Inventory – бу ҳар бир санаб ўтилган бўлимлардан ажралмас кўрсаткич ҳисобланади, ҳар бири 4 та жавоб вариантини таклиф қилади (симптомнинг муайян минимал даражасидан максимал даражасигача). Ҳар бир гуруҳ саволлари учун ўртача арифметик ҳисобланади (баллар 0 дан 4 гача), қиймати 25 га кўпайтирилади, кўрсаткичлар диапазони эса 0-100 баллни ташкил этади. Йўқотилган жавоблар ушбу сўровнома учун арифметик ўртача деб ҳисобланади. PFDI-20 сўровномасини ҳисоблаш учун 3 та шкаллани биргаликда қўшиш керак (кўрсаткичлар диапазони 0-300 балл).

Тос қавати симптомларининг таъсирини баҳолаш учун сўровнома (Pelvic Floor Impact Questionnaire-7 (PFIQ-7)). Беморнинг ҳаёт сифатининг психологик ва ижтимоий компонентига турли тос аъзоларини мушак бузилишларининг таъсирини аниқлайди. Ҳар бир бузилишларга нисбатан жавоб бериш керак бўлган 7 та саволдан иборат: сийдик частотаси (сийдик касалликлар таъсирини баҳолаш учун сўровнома (Urinary Impact Questionnaire, UIQ-7/PIQ-7)), ошқозон ичак тракти (пастки ошқозон ичак тракти учун сўровнома (Colorectal-Anal Impact Questionnaire, CRAIQ-7)) ва ТАП белгилари (ТАП сабаб орган пролапси таъсири баҳолаш учун сўровнома (Pelvic Organ Prolapse Impact Questionnaire, POPIQ-7)). Барча саволлар қуйидаги балл

шкаласига мос келади: ҳеч қачон – 0; камдан-кам ҳолларда – 1; кўпинча – 2; жуда кўп ҳолларда – 3. Urinary Impact Questionnaire (UIQ-7) устун “қовуқ ёки сийдик” 7 та саволлар учун балл йиғиндиси. Colorectal-Anal Impact Questionnaire (CRADI-7) “ичак ёки тўғри ичак” устунидаги 7 та савол учун баллар йиғиндиси. Pelvic Organ Prolapse Impact Questionnaire (POPIQ-7) “бачадон тушиши ёки тос органлари” устуни 7 та савол учун баллар йиғиндиси. Тегишли шкала учун ўртача арифметикани (қиймат оралиғи 0 дан 3 гача) ҳисоблаб, сўнгра бу сонни 100 га кўпайтириш ва 3 га бўлиш, 0 дан 100 гача қийматни олиш керак. Бу жавоблар ушбу сўровнома учун ўртача арифметика деб ҳисобланади. PFIQ-7 сўровномасини ҳисоблаш учун 3 та сўровноманинг қийматини киритиш керак (кўрсаткичлар диапазони 0-300 балл).

Ушбу сўровномалар асосида генитал пролапс мавжудлиги, оғирлик даражаси ва ҳаёт сифати аниқланиб, стимулятор тренажёрлар билан интим Кегел машқларини бажариш аёлларда сийдик тута олмасликнинг олдини олади.

Полимераза занжири реакцияси (ПЗР) учун қон намуналари “VAC-SUETTE” (Австрия) ЭДТА пробиркаларида тўпланган. Периферик қон лимфоцитларидан геномик ДНКни экстракцияси баъзи модификациялар билан стандарт фенол-хлороформ депротеинизацияси (Sambrook J., Fritsh E. F., Maniatis T., 1989), шунингдек InterLabService МЧЖ РНК-сорб тўпламлари ва “Литех” ИИК (Москва) нинг ДНК-Экспресс қонини ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига кўра амалга оширилди. ДНК намуналарининг сифати NanoDrop 2000 “ThermoScientific” (АҚШ) да синаб кўрилди.

COL1A1 (rs1107946) ва COL4A1 (rs605143) генетик полиморфизмларининг ўртасидаги ассоциатив боғлиқликни ўрганиш полиморфизмининг генотиплари ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмалари бўйича СК-1-96 “Corbett Research” (Австралия) ва 2720 “Applied Biosystems” (АҚШ) дастурли термик сиклерлар ёрдамида локусга хос холигонуклеотид примерлари ёрдамида амалга оширилди ва “Литех” ИИК (Москва) ва “MedLab” МЧЖ (Санкт-Петербург) кўрсатмалари қўлланилди.

Ультратовуш текшируви Aloka SSD-1700 қурилмаси (Япония) ёрдамида барча аёллар учун трансабдоминал ва вагинал усул ёрдамида амалга оширилди.

Статистик усуллар. Рақамли материал шахсий компьютерда статистик қайта ишланди. Ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (s), нисбий қийматлар (частота, фоизлар), хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Студент критерийси (t) ҳисоблаб чиқилган.

Статистик материаллар Jamovi 2.2.5.0 дастури ёрдамида қайта ишланди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик характерини баҳоловчи корреляция коэффициентини Spearman даражали корреляция усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилган ва муносабатларнинг мустақамлиги Чедокка шкаласи ёрдамида баҳоланган.

Диссертациянинг “Текширилаётган беморларнинг клиник кўрниши хусусиятлари” номли учинчи бобида Тадқиқот мақсадларига кўра, барча 120 нафар аёлни 3 гуруҳга ажратилган:


1-гуруҳга анъанавий жарроҳлик муолажасидан ўтган 40 нафар аёллар;

2-гуруҳга махсус стимуляторлар тренажёрлар билан машғулот залига жалб қилинган 30 нафар аёллар (аёл қулай позицияни танлаб, ўтириб, ётиб ёки тик туриб, Кегель тренажерларини қинга киритиб, қин мушакларини қисқартириб, бўшаштириш машқларини кун давомида 3-4 марта, 15 дақиқадан бажаради);

3-(назорат) гуруҳига соматик патологиялари ва ТAME бўлмаган 50 нафар ихтиёрий текширув қилинган аёллар киритилган.

2-гуруҳ аёлларининг мурожаатини таҳлил қилганда, 41 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар камчиликни ташкил этиши аниқланди – 8 нафар (26,7%), бу 3-гуруҳдагиларга нисбатан 2 баравар камни ташкил этиши аниқланган. 31-40 ёшда – 1 ва 3-гуруҳга қараганда 1,4 ва 1,5 марта камроқ (мос равишда). Худди шу динамика 3-гуруҳда аёлларида 41 ёшдан 45 ёшгача кўпчилик 17 (34,0%) қайд этилган:


1 ва 2-гуруҳлар ўртасида 41-45 ёшдаги гуруҳдан ташқари барча ёшдаги беморлар орасида кучли боғлиқлик аниқланган. 30 ёшгача бўлган 2-гуруҳ аёлларида бачадон бўйни патологиясини ривожланиш эҳтимоли (OR) ва хавфи (RR) 0,07 ва 0,09, 31-40 ёшда эса OR=0,46 ва RR= 0,56 ни ташкил этган, хавф 41-45 ёшли аёлларда сезиларли даражада ошган - мос равишда 5,82 ва 1,99 ни ташкил этган. (1-расм)



1-расм. Текширилган аёлларнинг ёши, %.

Сўровнома ўтказилган аёлларда турмуш тарзи ва жисмоний активлигида ҳам сезиларли фарқларни аниқланган, 1-гуруҳ аёлларда ўтирган ҳолатда


кўпроқ иш юритиш 29 (72,5 %) ни ташкил қилиб, 2-гурухга нисбатан 1,5 баравар кўпчиликти ташкил қилган бўлса, аёлларни жисмоний активлиги 2-гурухда 14 (46,67 %) 1 ва 3-гурухга нисбатан 1,9 ва 2,3 бараварига камлигини мос равишда 27 (67,5 %) ва 31 (62,0 %) ташкил қилган. (2-расм)



2-расм. Текширилган аёлларнинг турмуш тарзи бўйича солиштирма кўрсаткичлари.

Текширилганлар орасида туғилиш частотаси таҳлили шуни кўрсатдики, энг кўп 4 ва ундан кўп туғилиш анъанавий гуруҳда 72,5 % ни ташкил этган бўлса, симуляторлар билан шуғулланадиган гуруҳда ва назорат гуруҳида бу кўрсаткич мос равишда 60 ва 52 % ни ташкил этган. Шикастланишдан кейин юзага келадиган тўқималар тузилишидаги бузилишлар, қўллаб-қувватловчи мушаклар, тос бўшлиғи боғламлари, атрофдаги тўқималар (парацервикал ва парақин боғламлар) ва интрапелвик фасция (қовуқ олди ва периректал фасция) заифлашиши, етишмовчиликнинг дастлабки босқичида ривожланишга олиб келади. Тос аъзоларининг мушаклари (қин, сийдик пуфағи, тўғри ичак), уларда функционал ва анатомик бузилишларни келтириб чиқаради (3-расм).


Овқатланиш тартиби бўйича солиштирув натижалари, (%)



5-расм. Гуруҳларни овқатланиш тартиби бўйича солиштириш

PFID-20 ва PFIQ-7 сўровномаси ТАП аёлнинг ҳаётига хавф туғдирмайдиган касаллик бўлганлиги сабабли, мутахассислар томонидан ўрганишнинг асосий мавзуси – унинг белгиларининг ҳаёт сифатига таъсиридир. Ҳаёт сифатини аниқлашнинг асосий усули – ихтисослаштирилган анкеталардан фойдаланган ҳолда стандартлаштирилган сўровдир. Текширувдан ўтган аёллар жарроҳлик даволашдан олдин ва кейин PFID-20 ва PFIQ-7 сўровларига жавоб беришди. Сўров гуруҳи: жарроҳлик муолажасини олган 1-гуруҳ аёлларидан, кин симуляторлари билан шуғулланадиган 2-гуруҳ аёллардан иборат бўлган. Барча субъектлар PFID-20 ва PFIQ-7 сўровномаларига даволаш бошланишида, даволаш бошланганидан кейин 1, 6 ва 12 ой ўтгач, стандартлаштирилган ўртача жавоб баллари, таъсир ҳажми ва жуфтлаштирилган тести ёрдамида баҳоланган (6-расм).

PFID20 ва PFIQ7 бўйича статистик солиштирув натижалари, M±m



6-расм. Сўровнома натижалари.

Шундай қилиб, агар даволашдан олдин иккала гуруҳдаги кўрсаткичлар 109-110 га тенг бўлса, даволашдан сўнг, бу кўрсаткич жарроҳлик муолажаси қилинган гуруҳда 109 дан 30,7 гача сезиларли даражада камайди, 2-гуруҳда

